

# **ДОКСИНГ – КИБЕРЗЎРАВОНЛИК ТУРЛАРИДАН БИРИ**

**Исамутдинов Равшан Рахмонович**

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҳузуридаги Сайлов қонунчилиги ва замонавий технологиялар бўйича ўқув маркази директор ўринбосари, мустақил изланувчи

**Аннотация:** Ушбу мақолада доксинг тушунчаси ва унинг мазмун-моҳияти таҳлил қилинган. Шунингдек, доксинг ҳолатини содир этилишидаги кўриниши ҳамда ўзига хослиги очиб берилган.

**Калит сўзлар:** доксинг, киберзўравонлик, шахсий маълумот, интернет, ижтимоий тармоқ, фойдаланувчи.

## **Доксинг – это один из видов киберзапугивания**

**Исамутдинов Равшан Рахмонович**

Заместитель директора “Учебного центра избирательному законодательству и современным технологиям” Центра избирательной комиссии Республики Узбекистан, независимый соискатель

**Аннотация:** В данной статье анализируется суть и понятие доксинга. Также, раскрыто вид совершения и уникальность доксинга.

**Ключевые слова:** доксинг, киберзапугивание, личная информация, интернет, социальная сеть, пользователь.

## **Doxing is one form of cyberbullying**

**Isamutdinov Ravshan Rakhmonovich**

Deputy Director of the Training Center for Electoral Legislation and Modern Technologies, Secretariat of the Central Election Commission of the Republic of Uzbekistan, an independent applicant for the Higher School

**Abstract:** This article analyzes the concept of doxing and its essence. Also, the appearance and uniqueness of the execution doxing situation is revealed.

**Key words:** doxing, cyberbullying, personal information, internet, social network, user

Бугунги кунда лексиконимиз ёки ахборот маконида киберзўравонликнинг турларидан бири ҳисобланган доксинг атамаси тез-тез қўлланилмоқда. Аслида доксинг нима?

Доксинг атамаси “хужжатлар” сўзининг қисқартмасидан келиб чиқкан бўлиб, оддийгина “хужжатлар” деган маънони англатади. [1]

Доксинг сўзи инглизча “doxing” ёки “drop drop dox” сўзларидан олинган ва бу атама 1990-йиллар бошида пайдо бўлган қасос усули билан боғлиқ бўлган инглизча "dropping dox" (хужжатларни ташлаш) иборасидан келиб чиқкан.

Мазкур атама анонимлик муқаддас ҳисобланган хакерлар субкултурасида пайдо бўлган. Рақиб хакерлар ўртасидаги қарама-қаршилик баъзан илгари фақат фойдаланувчи номи ёки тахаллуси билан маълум бўлган бошқаларнинг "хужжатларини ошкор қилиш" (хужжатларни ташлаш) тўғрисидаги қарорни қабул қилишга олиб келди. “Хужжатлар” сўзи “docs”га айланиб, “drop” префиксига йўқолиб, охир-оқибат феълга айланган.

Эндилиқда "doxing" атамаси хакерлардан ташқари ахборот маконида шахсий маълумотларни ошкор қилиш фактини тасвирлаш учун ишлатила бошланди. [2]

Ушбу атама ҳанузгача аноним фойдаланувчиларни фош қилишни тасвирлаш учун ишлатилса-да, кўпчилик ижтимоий тармоқларда уларнинг ҳақиқий исмларидан фойдаланиши сабабли у камроқ аҳамият касб этди.

Шу маънода доксинг – шахс ҳақидаги шахсий ёки махфий маълумотларини унинг розилигисиз онлайн қидириш ва нашр этиш ҳисобланади.

Доксинг ҳолатларини содир этадиганлар доксчилар деб номланади ва улар номаълум фойдаланувчи никобидаги хакерлардир.

Улар асосий объект ҳисобланган шахсга оид қуидаги маълумотлардан фойдаланишлари аниqlанган:

- ҳақиқий исм (фамилияси ва шарифи);
- уй манзили;
- телефон рақами;
- электрон почта манзили;
- таҳсил олаётган таълим муассасаси;
- шахсий идентификация рақами;
- туғилган санаси;
- пластик карта рақами;
- тиббий маълумотномаси;
- расми ва видеолари;
- иш жойи;
- ирқи, келиб чиқиши ёки туғилган жойи ҳамда бошқалар.[3]

Доксинг атамаси 2011 йил декабрида профессионал хакерлар гурухи “Anonymous” хакерлик фаолияти бўйича терговга жавобан 7 минг нафар ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилганидан сўнг кенг танилди. [4]

Сўнги йилларда ривожланган давлатларда фуқароларга тазиик ва зўравонлик ўтказиш нафақат ҳаётда балки, виртуал оламда ҳам кенг тарқалмоқда. Бу борада доксинг виртуал оламда киберзўравонлик содир этилишида қурол сифатида ишлатилмоқда.

Хусусан, аноним ва шунга ўхшаш ҳаракатлар душманларни ёки уларнинг қарашларига рози бўлмаган одамларни жазолаш усули сифатида доксингдан кенг фойдаланилмоқда.

Бунда, доксчилар томонидан сохта телефон қўнғироқлари, ҳақоратли электрон почта хабари ва кўплаб фойдаланувчиларни жалб қилувчи матнли хабарлар кўринишидаги ҳужумлар амалга оширилади.

Доксинг одатда шахсни ўғирлаш каби онлайн аккаунтларни текшириш ва унинг кириш маълумотларини бузишга уриниш орқали шахс ҳақида маълумот излашни, шунингдек, шахсни аниқлаш учун интернетда жойлаштирилган шахс ҳақидаги маълумотларни таҳлил қиласиган ва кейин уни шантаж қиласиган хакер (дохер) мавжудлигини ўз ичига олади. Хакерлар жабрланувчига оид бузғунчи ёки нозик маълумотларни интернетга ташлайди.

Доксинг, жабрланувчини шарманда қилиш, уни тўғридан-тўғри танқид қилиш, қасос олиш ёки ҳатто жабрланувчига жисмоний зарар етказиш учун мўлжалланган.

Ҳисоб маълумотларини оддийгина ўғирлаганларнинг (шахсни ўғирлаш) асосий мақсади молиявий даромад билан боғлиқ бўлса-да, доксинг мақсади шахсийdir. Мотивациядан қатъи назар, доксингнинг асосий мақсади шахсий ҳаётни бузиш ва одамларни шарманда қилиш ҳисобланади.

Шунингдек, доксинг - қасос олиш, таъқиб қилиш ёки қўрқитиш воситасидир.

Доксинг - бу одамларнинг шахсий ҳаётига жуда жиддий таҳдид ва у ҳатто инсон ҳаётини том маънода бузиши мумкин.

Катта доксинг хужумлари орасида оммавий шармандалик ва кенг миқёсда хўрлаш киради. Натижада, баъзи одамлар ишидан, оиласидан ёки ҳатто уйидан айрилиши мумкин. Кимдир яшаш жойини, исмини ва фамилиясини ўзгартириши, шунингдек, Интернетда ўзи ҳақидаги маълумотларни ўчириш учун жуда қўп пул тўлаши керак бўлади.

Дунёдаги аксарият давлатларда доксинг билан боғлиқ бўлган бир қанча ҳолатлар кузатилган.

2015 йилда "The Impact Team" номи билан танилган гурух "Ashley Madison" [5] дан фойдаланувчиларнинг маълумотларини ўғирлаган.

Улар сайт фойдаланувчилар ҳақидаги шахсий маълумотларни кўчириб олиб, агар сайт зудлик билан ёпилмаса, бу маълумотларини эълон қилиш билан таҳдид қиласиган.

Мазкур ҳолат рўй бергандан сўнг сайт ёпилмаган натижада гурух тахминан 25ГБ ҳажмдаги фойдаланувчи маълумотларини нашр этган.

Бу эса жамоатчиликдаги аксарият фойдаланувчиларни камситилиши ва стигма қилинишига, шунингдек, ўз жонига қасд қилиш ва жиноятлар содир этилишига олиб келган. [6]

➤ 2013 йилда киберхужум пайтида бир нечта таниқли шахслар Ким Кардашиан, Жей-З ва Беёнс, Доналд Трамп, Леди Гага, Мишел Обама, Бритни Спирс, Пэрис Хилтон, Хиллари Клинтон, Анжелина Жоли, Джо Байден ва Тигер Вудс каби кўплаб дунёга машҳур инсонлар доксчилар қурбони бўлди.

Ушбу доксинг ҳужуми мобайнида юқорида номлари келтирилган шахсларни қўйидаги шахсий маълумотлари фош қилинди:

- ижтимоий суғурта рақамлари;
- кредит ҳисботлари;
- уй манзиллари;
- ҳисоб қайдномалари;
- олдинги манзиллар;
- яланғоч фотосурат. [7]

Юқоридагилардан келиб чиқкан ҳолда, доксинг ҳолатларини олдини олиш бўйича қўйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш таклиф этилади:

- ижтимоий тармоқлардан фойдаланишда фойдаланувчиларнинг ўз шахсига доир маълумотларни жойлаштиришда махфийлик тамоилига риоя қилиши зарур.

- интернетга химояланган каналлар орқали уланиш лозим.
- компьютер химояланган бўлиши зарур.
- фойдаланувчи сифатида паролларни хавфсиз сақлаш муҳим.
- фойдаланувчини электрон почтаси химояланган бўлиши ва янгилаб турилиши зарур.
- фойдаланувчи номини ўзгартириб турилиши турли ҳужумларни олдини олишга хизмат қиласи.

## **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Lee, J. What is doxing and how does it affect your privacy. Available online: <https://www.makeuseof.com/tag/what-is-doxing-and-how-does-it-affect-your-privacy-makeuseof-explains/> (accessed on 13 December 2018);

2. Что такое доксинг – определение и описание.

<https://www.kaspersky.ru/resource-center/definitions/what-is-doxing>;

3. Что такое доксинг?

<https://socialmediavictims.org/cyberbullying/types/doxxing/>;

4. Что такое доксинг?

<https://www.securitylab.ru/blog/company/PandaSecurityRus/344644.php>;

5. Турмуш қуриш истагида бўлган фуқароларга мўлжалланган таниқли Канада онлайн танишув хизмати;

6. Что такое доксинг?

<https://www.securitylab.ru/blog/company/PandaSecurityRus/344644.php>;

7. Э.Казано. Все знаменитости, которых доксировали.

<https://www.ranker.com/list/celebrities-who-have-been-daxed/annicasano>.